



№21. Куйидаги боғланган кўшма гапни белгиланг?

- а) Ё ернинг кучи йўк, ё уруғ яхши эмас.
- б) Мусиқа, кулги, кўшиқ овозлари янграйди.
- в) Маҳкам саломлашиб ўтиб кетмоқчи бўлди...
- г) Майин шабада кўм-кўк япроқларни аста тебратди.

№22. Мухбир шундай деди Хотира майдони хамиша одамлар билан гавжум.

Тиниш белгиларини тўғри кўйинг.

- а) Икки нукта, кўштирноқ, кўштирноқда, нукта
- б) Кўштирноқ, вергул, нукта, нукта вергул
- в) Нукта, вергул, нукта
- г) Икки нукта, вергул

№23. “ Собир анҳор билан ҳовуз ўртасидаги супага жой қилдириб берди-да, ўзи қаёққадир кетди”. Ушбу кўшма гапни турини аниқланг.

- а) Эргашган кўшма гап
- б) Боғловчисиз кўшма гап
- в) Зидлов боғловчили боғланган кўшма гап
- г) Бириктирув боғловчили боғланган кўшма гап

№24. “Жамила” қиссасидаги Жамиланинг севган ёри?(Ч.Айтматов )

- а) Дониёр                      б) Бахтлан                      в) Манас                      г) Жаскан

№25. Бадийий услубга хос сўзлар қаторини топинг.

- а) Километр, барометр, тезлик                      б) Кетвотти, нарвон, юмуртқа
- в) Ариза, далолатнома, шартнома                      г) Чехра, фаришта, ўктам.

№ 26. Орттирма даражадаги сифатни белгиланг.

- а) кичикроқ                      б) азиз                      в) кичик                      г) энг азиз

№ 27. Қараткич келишигидаги от қайси сўзга боғланади?

- а) олмошга                      б) равишга                      в) отга                      г) феълга

№ 28. Зидлов боғловчилар қаторини белгиланг.

- а) чунки, агар, шунинг учун                      б) ва, ҳамда, на
- в) аммо, лекин, бироқ                      г) гўё, гўёки, яъни, башарти

**2-бўлим. 2-бўлимда 2 тест топшириги бор**

Бу бўлим мос келтириш вазифаларидан иборат. Чап тамонда берилган ҳар бир элементга ўнг томонда берилган элементларнинг ичидан мос келганини танланг. Устундаги бўш жойларга мос келган рақамни ёзинг.

**2.1. Кўчирма гапнинг ўзлаштирма гапга айлантирилишига қараб**

**мослаштиринг.**

А) Ҳазрати Лукмон: “Ифбат номуснинг энг маҳкам суянчиғидир”, - деган экан.	1) Бир синфда ўқийдиган, бир партада ўтирадиган дўстим бор эди.
Б) “Ғийбатчи кишиларга яқин юрма”, - деган эди Юсуф Хос Ҳожиб.	2) Навбатчи йиғилиш бошланган-бошланмаганини сўради.
В) “ Йиғилиш бошланди-ми?” - деб сўради наватбачи.	3) Ҳазрати Лукмон ифбат номуснинг энг маҳкам суянчиғи эканлигини айтган.
Г) “Зийрак қиз ота-онага раҳмат ёғдиради”, - дейди донолар .	4) Донолар зийрак қизнинг ота-онасига раҳмат ёғдиришини эслатганлар.
	5) Юсуф Хос Ҳожиб ғийбатчи кишиларга яқин юрмаслик кераклигини баён қилган эди.

**Жавоби:**

А
Б
В
Г

**2.2. Куйида келтирилган уюшиқ бўлақларнинг ўзаро боғланиш**

**йўлларига қараб мослаштиринг.**

А) Бириктирув боғловчиси ёрдамида	1) Фақирнинг остонасини нима мақсад билан босдингиз?
Б) Санаш оҳанги ёрдамида	2) Масаланинг жиддийлиги, мураккаблиги, ғоят хавфлилиги раиснинг бошини шишириб юборди.
В) Айирув боғловчилари ёрдамида	В) Бошингни кўтар, лекин бурнингни кўтарма.
Г) Зидлов боғловчилари ёрдамида	4) Дашт ҳам чавандознинг ашуласини тинглайди ва у билан бирга куйлайди.
	5) Ё белни боғлаб астойдил ишла, ё жуфтакни ростла.

**Жавоби:**

А
Б
В
Г

**Баллни баҳога айлантириш шкаласи**

1-бўлимдаги 28 тест топшириғ 1 балл билан баҳоланади.

2-бўлимдаги 2 тест топшириғ 3 балл билан баҳоланади.

Жами топширикларнинг миқдори – 30

баллари	баҳо
0-14	«2»
15-19	«3»
20-25	«4»
26-34	«5»

